

# ***Мен ҳам намоз ўқийман***

Тошкент  
2008

***Наишр учун масъул:***

Хурматуллоҳ ИСМОИЛ ДАДАХЎЖА

***Масъул муҳаррир:***

Нурислом ИБРОХИМ

***Муҳаррир:***

Абдулмалик АБДУРАХИМ

***Наишрга тайёрловчи:***

Нурислом ИБРОХИМ

## ИСЛОМ ВА ИМОН ШАРТЛАРИ

Ислом тинчликка, покликка, инсонийлик-ка, меҳр-мурувватга, ватанпарварликка, илм олишга чақирувчи диндир. У инсонни икки дунё саодатига етказди.

Қуйидагилар Ислом динининг рукнлари-дир:

1. Имон.
2. Ҳар куни беш маҳал намоз ўқиш.
3. Рамазон ойида ўттиз кун рўза тутиш.
4. Закот бериш. Закот Исломда молиявий ибодатдир. Яъни бойлиги нисобга (муайян миқдорга) етган мусулмоннинг йилда бир марта ҳақдорларга закот бериши фарз.
5. Ҳаж қилиш. Бу амал моддий жиҳатдан қурби етадиган мусулмонларгагина фарздир.

Қуйидагиларга ишонган киши имонлидир:

- 1) Аллоҳга;
- 2) Аллоҳнинг фаришталарига;
- 3) Аллоҳнинг китобларига;
- 4) Аллоҳнинг пайғамбарларига;
- 5) Охират кунига;
- 6) Тақдирга, яъни яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканига;
- 7) Ўлимдан кейин қайта тирилмоққа.

## ИМОН КАЛИМАЛАРИ

**«Лаа илааҳа иллаллоох, Муҳаммадур-расуулulloох».**

*Маъноси:* «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Пайғамбаридир».

**«Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоох ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдухуу ва расуулух».**

*Маъноси:* «Аллоҳдан ўзга сиғиниладиган (илоҳ) йўқлигига ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг қули ва элчиси эканига иқрорман».

## ТАҲОРАТ

Ислом дини ҳам вужуд, ҳам қалб тозали-гига катта аҳамият берган бир диндир. Суюкли Пайғамбаримиз бизга шундай насихат қиладилар: **«Кучингиз етгунча тозаликка риоя этингиз, чунки Аллоҳ таоло Ислом динини тозалик устига бино қилди. Жаннатга ҳам фақат тоза бўлганлар кирази»** (*«Жомиус-сагир», 1-жилд, 133-бет*).

Аллоҳ таоло Куръони каримнинг Моида сураси 6-оятида шундай марҳамат қилади (мазмуни): **«Эй имон келтирганлар! Намоз (ўқиш)га турар экансиз, албатта, юзларингизни, қўлларингизни тирсақларигача ювингизлар, бошларингизга масҳ тортингизлар ва оёқларингизни (ювингиз-лар)!»**.

Бинобарин, динимизнинг устуни ҳисобланган намозни адо этмоқ учун, албатта, таҳоратли бўлиш шартдир.

### ТАҲОРАТ ОЛИШ ТАРТИБИ


*(Суратларга қиёс қила боринг)*



1. Аввало, таҳорат олишга ният қилиниб, «Аъузу биллааҳи минаш-шайтоонир-рожийм. Бисмиллааҳир-роҳмаанир-роҳийм», дейилади.



2. Қўллар бандигача уч марта ювилади. Бармоқда узук бўлса, қимирлатиб, остига сув югуртирилади.



3. Ўнг қўлда сув олиниб оғиз уч марта ғарғара қилиб чайилади ва мисвоқ қилинади.



4. Бурунга ўнг қўл билан уч марта сув тортилиб, чап қўл билан қоқиб тозаланади.



5. Юз уч марта ювилади.



6. Аввал ўнг қўл тирсаклар билан қўшиб ишқалаб ювилади.



7. Сўнгра чап кўл тирсақлар билан кўшиб ишқалаб ювилади



8. Ҳовучга сув олиб, тўкиб ташлаб, хўли билан бошнинг ҳамма қисмига масҳ тортилади.



9. Кўрсаткич бармоқ билан қулоқларнинг ичи, бош бармоқлар билан эса қулоқ орқаси масҳ қилинади.



10. Иккала қафтнинг орқаси билан бўйин масҳ қилинади.

11. Чап кўл билан ўнг оёқни ошиқ (тўпик) билан кўшиб ва бармоқлар орасини (ишқалаб) уч марта ювилади.





12. Чап оёқ ҳам шу тарзда  
уч марта ювилади.

Таҳорат олаётганда гапирмаслик, эҳтиёждан ортиқ сув ишлатмаслик, уст-бошга сув сачратмаслик керак.

Тирноқларга суртилган лак, теридаги ҳар хил бўёқлар кетказилмасдан олинган таҳорат саҳиҳ (ҳақиқий) ҳисобланмайди.

### **ТАҲОРАТНИ БУЗАДИГАН ҲОЛЛАР**

1. Баданнинг бирор жойидан қон ёхуд йиринг чиқиб оқиши.
2. Оғиз тўлиб қусиш.
3. Кичик ё катта ҳожат.
4. Ел чиқиши.
5. Милк қонаб, тупурганда тупук рангининг қизил бўлиши;
6. Ҳушдан кетиш;
7. Намоз ўқиётиб, ёнидаги одам эшитадиган даражада кулиш.

### **ҒУСЛ**

Уйқуда эҳтилом бўлиб қолинганида, жинсий алоқадан кейин ҳамда аёллар ҳайз ва нифос ҳолатидан чиқишгач, ғусл (бутун баданни сув билан ишқалаб ювиш) фарздир.

Бундан ташқари, ҳар жума ва ҳайит намозлари олдидан ғусл қилиш суннат — Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бажарган амаллардандир.

**Ғуслнинг фарзлари:**

1. Оғизга сув олиб ғарғара қилиш.
2. Бурунга, ачиштиргунча сув тортиш.
3. Бутун баданни тозалаб ювиш.

Ғул қуйидаги тартибда қилинади:

1. «Бисмиллааҳир-роҳмаанир-роҳийм» дейилади ва ғулга ният қилинади: **«Навайту ан ағтасила ғуслан минал-жанаабати раф-ъан лил-ҳадаси ва истибаҳатан лис-солаати тақоррубан миналлооҳи таъаалаа».**

*Маъноси:* Нопокликни кетказиш, намоз ўқишни жоиз этиш ҳамда Аллоҳга яқинлик истаб ғулни ният қилдим.

2. Қўллар ювилгач, бадан маний ёхуд бошқа нопок нарсалардан тозаланади.

3. Белгиланган тартибда таҳорат олинади. Аввал бошга, кейин ўнг ва чап елкага сув қуйилиб, бутун бадан яхшилаб ювилади. Бу ювинишда баданда игнанинг учидай қуруқ жой қолса ҳам, ғул мукамал олинмаган ҳисобланади.

Ғулга эҳтиёжманд киши оғзи ва бурнини чайиб, сўнг чўмилса ҳам, ғул олган ҳисобига ўтади.

## ТАЯММУМ

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 43-оятда шундай марҳамат қилади (мазмуни): **«Борди-ю бетоб ё сафарда бўлсангизлар ёки сизлардан бирортангиз хожатхонадан чиққан бўлса ёхуд хотинларингиз билан яқинлик қилган бўлсангизу сув топа олмасангиз, покиза ер (тупроқ, тош, қум, чанг кабилар) билан таяммум қилиб, юзларингиз ва қўлларингизга суртинг. Албатта, Аллоҳ афу этувчи ва кечирувчидир».**

Таяммум қилишда таҳоратга ёки ғулга ҳам ният қилинади. Ҳар иккисини қўшиб ният қилиш ҳам мумкин.

Таяммум олиш тартиби қуйидагичадир:

1. Енглари тирсақларигача шимариб «Таҳорат (ёки ғул) учун таяммум олишга ният қилдим», деб кўнгилдан ўтказилади.
2. «Аъузу биллааҳи минаш-шайтоонир-рожийм.



Бисмиллаахир-роҳмаанир-роҳийй», дейилади ва қўллар, бармоқлари очик ҳолда, тупроқ ёки тупроқ жинсидан бўлган бирор нарсага бир марта урилади.

3. Қўлларнинг ичи (кафт) билан юзга масҳ тортилади.

4. Қўлларни иккинчи бор тупроқ ёки тупроқ жинсидан бўлган нарсага уриб, чап қўлнинг кафти билан ўнг қўлга тирсаги билан қўшиб, ўнг қўл кафти билан эса чап қўлга айни тарзда масҳ этилади.

Таяммумни бузадиган ҳоллар:

1. Таҳоратга яроқли сув топиши.

2. Бадандаги яра ёки (бошқа) узр туфайли таяммум олган кишидан бу ҳолатларнинг кетиши.

3. Таҳоратни бузадиган ҳоллар таяммумни ҳам бузади.

## АЁЛЛАРГА ХОС ҲОЛАТЛАР

Балоғат ёшига етган қизлар ва аёлларга хос уч ҳолат мавжуд:

**I. Ҳайз ҳолати.** Ҳайз энг ками уч кун, кўпи билан ўн кун бачадондан келади қондир. Бу кунлар ичида қон давомли келмасдан, ора-сира тўхташи ҳам мумкин. Бироқ ораликдаги бу кунлар ҳам ҳайз кунлари ҳисобланади. Ҳайз кунлари аёлларга қуйидаги амаллар тақиқланади:

1) намоз ўқиш;

2) рўза тутиш;

3) Қуръон ўқиш. Бироқ ҳайз ҳолидаги Қуръон муаллимаси Қуръон ўқиш нияти билан эмас, толибага ўргатиш мақсадида харфма-харф, сўзма-сўз Қуръон ўргатиши мумкин;

4) Қуръони каримга қўл теккизиш;

5) Каъбани тавоф этиш;

6) масжидга кириш;

7) эри билан жинсий алоқада бўлиш.

Аёллар ҳайз кўрган кунлари ўқиёлмаган намозларининг қазосини ўқимайдилар, бироқ тутолмаган рўзаларини кейин тутадилар. Ҳомиладор аёллар ҳайз кўрмайдилар.

**II. Нифос ҳолати.** Аёлларда тукқандан сўнг бачадондан қирқ кунгача келадиған қон нифос қонидир. Бу қон қирқ кундан олдин ҳам тўхташи мумкин. Қон тўхтаған куни ғусл олиб ибодатларда давом этилади. Қирқ кун ичида қон келиши яна бошланиб қолса, қон тўхтаған олдинги кунлар ҳам нифос ҳолатидаги кунлар ҳисобланади.

Ҳайз кунларида тақиқланған (ҳаром саналған) амаллар нифос ҳолатида ҳам тақиқланади. Бу кунларда ўқилмаған намозлар қазо қилиб ўқилмайди, тутилмаған рўзаларнинг қазоси тутилади.

**III. Истиҳоза.** Хасталиқ туфайли аёлларда таносил узви йўли билан бачадондан эмас, томирдан келадиған қон изтиҳоза қонидир. Ҳайз қонининг ўн кундан ошиғи ва уч кундан оз давом этгани, кўзи ёригач нифоснинг қирқ кундан ортиқ давом этгани ва ҳомиладорлик пайтида келадиған суюқликлар истиҳозадир. Бундай ҳолатлар аёллар учун узрли саналади.

## НАМОЗ

Намоз Исломининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Аллоҳ таоло бандаларига фарз қилиб қўйған. Намоз Аллоҳ берған ҳадсиз-ҳисобсиз неъматларга бандасининг шукронаси ҳамдир. Намоз ибодати туфайли кишининг Аллоҳ наздидаги даражаси юксалади. Намозхон охират ҳаётига тайёрғарлик қўриб боради. Турли баҳоналар билан намоз ўқимай юрган киши Аллоҳнинг буйруғига қарши чиққан бўлади. Бу эса, катта мусибатдир.

Қуръони қаримда намоз ўқиш амр этилған кўплаб оятлар бор (мазмунлари):

**«Намозни муқаммал адо этингиз, закот берингиз ва руку қилувчилар билан бирга руку қилингиз»** (*Бақара, 43*).

**«Намозни муқаммал адо этингиз ва закот берингиз!»** (*Бақара, 110*).

**«Аллоҳ имонларингизни (Байтул-Макдисга қараб ўқиган намозларингиз ажрини) зое кетқизмас. Албатта, Аллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳмлидир»** (*Бақара, 143*).

«(Эй Муҳаммад)) имон келтирган бандаларимга айтинг, намозни мукаммал адо этсинлар ҳамда савдо-сотик ва ошна-оғайнигарчилик бўлмайдиган Кун (киё-мат) келмай туриб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошкора эҳсон қилсинлар!» (Иброҳим, 31).

"Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни мукаммал адо қилинг ва тонгги ўқишни (бомдод намозини) ҳам (адо қилинг). Зеро, тонгги ўқиш (фаришталар) ҳозир бўладиган (намоз)дир. Тунда (бир қисмида) уйғониб ўзингиз учун таҳажжуд (нафл) намозини ўқинг! Шоядки, Раббингиз сизни (Қиёмат кунида) мақтовли (шафоат қиладиган мақомда) тирилтирса» (Ал-Исро, 78-79).

«Аҳлингизни намоз (ўқиш)га буюринг ва (ўзингиз ҳам) унга (намозга) бардошли бўлинг!» (Тоҳа, 132).

«Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар. Улар намозларга (кўркув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардирлар. Улар намозларни (вақтида адо этиб қазо бўлишдан) сақлагувчи кишилардир» (Мўъминлар, 1-2, 9).

«Албатта, намоз фахш ва ёмонликдан қайтарур! Албатта, Аллоҳнинг зикри (барча нарсадан) улуғдир!» (Анкабут, 45).

«Бас (эй, Муҳаммад), улар (кофирлар) айтаётган сўзларга сабр қилинг ва Қуёш чиқишидан ва ботишидан аввал Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг (намоз ўқинг)! Яна кечанинг (бир қисмида) ва саждалар (намозлар) ортидан тасбеҳ айтинг!» (Қоф, 39-40).

«(Эй Муҳаммад,) Сиз Раббингизнинг ҳукмига сабр қилинг! Зотан, сиз Бизнинг кўз ўнгимизда (ҳимоямизда)дирсиз! (Тонгдан уйқудан) турган пайтингизда, Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг! Шунингдек, кечадан (вақт ажратиб) ва юлдузлар юз ўғиргач (ботгач сахарда) ҳам Унга тасбеҳ айтинг» (Тур, 48-49).

«Дарҳақиқат, инсон бетоқат қилиб яра-тилгандир. Қачонки унга ёмонлик (камба-ғаллик ёки мусибат) етса, у ўта бесабрлик қилувчидир. Қачонки унга яхшилик (бойлик,

саломатлик) етса, у ўта ман этувчи (бахил)дир. Фақат намозхонлар бундан мустаснодирлар» (Маориж, 19-23).

## ХАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

\* Пайғамбаримиз (с.а.в.) асҳобларидан сў-радилар: «Бирортангиз уйингизнинг олдидан оқиб ўтадиган дарёда (ёки сойда) ҳар куни беш маҳал ювинсангиз, баданимда кир қолибди, деб айтасизми?» Саҳобалар: «Сира ҳам кир қолмайди», дейишди. Расули Акрам: «Беш вақт намоз ҳам шунга ўхшаш бўлиб, Аллоҳ таоло бу ўқилган намозлар туфайли гуноҳларни кечиради».

\* «Аср намозини қазо қилиб қўйган одам бола-чақасию мол-дунёсидан ажраган киши янглиғдир».

\* «Қоронғу кечаларда масжидга борган кишиларга, Қиёмат куни бир нурга мазҳар бўлишлари хушхабарини етказинг».

\* «Сизлардан бирларингиз намоз ўқиган жойда таҳоратини бузмасдан ўтирган муддатгача, фаришталар: «Илоҳо, бу кишининг гуноҳларини кечир ва унга раҳм айла», деб дуо этишади».

\* «Аллоҳга қасамки, шундай нарса хаёлимдан ўтяпти: ўтин тўплашни буюрсам ва ўтинлар тўпланса. Кейин намозга буюрсам, намоз учун азон айтилса, кейин бир кишини мўъминларга имомликка ўтишни буюрсамда, намозга келмаганларнинг бориб уйларини ёқсам...»

\* «Мўъминлар хуфтон ва бомдод намозларидаги савобни билганларида эди, бу намозларни жамоат билан ўқиш учун, эмак-лаб бўлса ҳам, масжидга келишар эди».

\* «Намоз инсон билан ширк ва куфр ўртасидаги бир пардадир. Намозни тарк этиш бу пардани кўтариш бўлади».

\* «Улар (кофирлар) билан бизнинг ўртамызни фарқлайдиган аломат намоздир. Бино-барин, намозни тарк қилган кимса кофирларга ўхшабди».

\* «Банда Қиёмат кунида энг аввало намоздан ҳисоб-китоб қилинади. Агар намози дуруст чиқса, қутулибди ва ютибди. Агар намози дуруст чиқмаса, ютқазибди. Фарз намозлари кам чиқса,

Аллоҳ азза ва жалла: «Қарангчи, қулимнинг нафл намозлари борми?» дейди. Намозларининг ками нафл намозлар билан тўлдирилади. Қолган амаллари ҳам шу тарзда ҳисоб-китоб қилинади».

\* «Бир куни Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида намоз ўқимай тонг отгунча ухлаган бир кишининг номи тилга олинди. Расули Акрам: «Ундай бўлса, у одамнинг кулоқларига ё кулоғига шайтон бавл этибди», дея марҳамат қилдилар».

\* «Сизлардан биров ухлаб қолса, шайтон унинг орқа миясига уч тугун тугиб қўяди ва ҳар тугунга: «Ҳали тунлар узун, (бемалол) ухла», дея афсун ўқийди. Агар у одам уйғониб Аллоҳни зикр этса, тугунлардан биттаси, таҳорат олганида яна бири, намоз ўқиганида эса, қолгани ҳам ечилади ва қалби қувонч ва хушнудликка тўлиб тонг оттиради. Акс ҳолда, шайтон тугиб қўйган тугунларнинг таъсирида дангасалик билан тонг отгунча ухлаб қолади».

\* Кечаси туриб ибодат қилган ва хотинини уйғотган, хотини туришни хоҳламаса юзига сув сепган, одамга Аллоҳ раҳматини ёғдирсин. Кечаси туриб намоз ўқиган ва эрини уйғотган, эри туришни хоҳламаса, юзига сув сепган хотинга Аллоҳ раҳматини ёғдирсин».

\* «Намоз жаннатнинг калитидир».

\* «Намоз диннинг устунидир».

\* «Намоз мўминнинг меърождир».

\* «Эй Муҳаммад, бир кеча-кундузда умматларингга беш вақт намозни фарз қилдим. Аҳд қилдимки, ким шу беш вақт намозни ўз вақтида адо этиб юрса, у кишини жаннатга киритаман. Ким ўз вақтида адо этиб юрмаса, у банда хусусида аҳдим йўқдир» (*Ҳадиси қудсий*).

## АЗОН

Аллооҳу акбар!  
Аллооҳу акбар!

Аллооҳу акбар!  
Аллооҳу акбар!

Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоох!  
Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоох!

Ашҳаду анна Муҳаммадар-расуулўллоох!  
Ашҳаду анна Муҳаммадар-расуулўллоох!

Ҳайя ʔалас-солааҳ!  
Ҳайя ʔалал-фалааҳ!

Ҳайя ʔалас-солааҳ!  
Ҳайя ʔалал-фалааҳ!\*

Аллооҳу акбар!

Аллооҳу акбар!

Лаа илааҳа иллаллоох.

### *Таржимаси:*

Аллоҳ буюқдир!  
Аллоҳ буюқдир!

Аллоҳ буюқдир!  
Аллоҳ буюқдир!

---

\*Бомдод азонида бу сўзлардан кейин икки марта «**Ас-солаату хойрум-минан-навуум!** «Намоз уйқудан афзалдир!» деб қўшиб қўйилади.

Аллоҳдан ўзга сиғиниладиган (илоҳ) йўқлигига иқрорман!  
Аллоҳдан ўзга сиғиниладиган (илоҳ) йўқулигига иқрорман!

Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси эканига иқрорман!  
Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси эканига иқрорман!

Намозга келинг, намозга келинг!  
Нажотга келинг, нажотга келинг!

Аллоҳ буюқдир!

Аллоҳ буюқдир!

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!

## АЗОН ДУОСИ

**Аллоохумма робба хаазихид-даъватит-тааммаҳ. Вас-солаатил-қооимаҳ, аати Му-хаммаданил-васийлата вал-фазийлаҳ. Ваддорожатал-ъалиятар-роофиъа. Вабъас-ху мақоомам маҳмууданиллазий ваъат-тах. Варзуқнаа шафаъатахуу явмал-қийаамаҳ. Иннака лаа тухлифул-мйъаад!**

*Маъноси:* Ушбу комил даъватнинг, ҳозир қоим бўлган намознинг Парвардигори, эй Аллоҳ! Муҳаммадга (с.а.в.) васила, фазилат ва баланд олий даража ато этгин. Уни Узинг ваъда қилган мактовли мақомда тирилтиргин. Бизга Қиёмат кунда унинг шафоатини насиб эт. Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмассан.

## НАМОЗ ЎҚИШ ТАРТИБИ

Бир кунда беш вақт (бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтон) намоз ўқиш ҳар бир мусулмонга фарздир.

## БОМДОД НАМОЗИ

Бомдод намози икки ракат суннат, икки ракат фарз — жами тўрт ракатдан иборат.

Бомдод намозининг икки ракат суннати қуйидагича ўқилади:



1. «Аллоҳ ризолиги учун қибла томонга юзланиб, бугунги бомдод намозининг икки ракат суннатини ўқишни ният қилдим», деб кўнгилдан ўтказилади (1, 2-расмлар).



1. Ният

2. Ният



2. «Аллооҳу акбар», деб ифтитоҳ такбири ай-тилади. Бу такбирда эркаклар кўллар кафтини қиблага қаратиб, бош бармоқларининг учини кулоқларининг юмшоқ жойига теккизишади (3-расм). Аёллар кўлларини елка баробарида кўтардилар (4-расм).



3. Ифтитоҳ такбири

4. Ифтитоҳ такбири





5. Қиём

3. Қўллар боғланади. Эркаклар ўнг қўл каф-тини чап қўл устига қўйишади. Ўнг қўлнинг бош ва кичик бармоқлари билан чап қўл билагини ушлашади (5-расм).

Аёллар ўнг қўлни чап қўл устида туғиб, қўллари кўкракка кўядилар (6-расм). Бу ҳол «қиём» дейилади. Қиёмда (тик турган ҳалда) сажда қилинадиган жойга қараб, навбати билан, қуйидагилар ўқилади.



6. Қиём

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ  
وَتَعَالَى جَدُّكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ.

### САНО ДУОСИ

**Субҳаанакаллооухумма ва биҳамдика ва табааро касмука ва таъаалаа жаддука ва лаа илааха ғойрук.**

*Маъноси:* «Аллоҳим! Сенинг номинг муборақдир. Шон шарафинг улуғдир. Сендан ўзга илоҳ йўқдир».

## ФОТИҲА СУРАСИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ١. الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ٢.  
الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ٣. مَالِكِ يَوْمِ الدِّينِ ٤. إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ  
نَسْتَعِينُ ٥. اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ٦. صِرَاطَ الَّذِينَ  
أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ.

Абуузу биллаахи минаш-шайтоонир-рожийй. Бисмиллаахир-роҳмаанир-роҳийй. Алҳамду лиллаахи роббил-ъааламийй. Ар-роҳмаанир-роҳийй. Маалики явмиддийй. Иййаака наъбуду ва иййаака настаъийй. Ихдинасироо-тол-мустақийй. Сироотоллазиййна ан-ъамта ъалайҳим ғойрил-мағдзууби ъалайҳим валадззоооолийй.

*Мазмуни:* Аллоҳнинг даргоҳидан қувилган шайтон ёмонлигидан Аллоҳнинг паноҳига қочаман. Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман). Ҳамд оламлар рабби Аллоҳгаким, (У) меҳрибон, раҳмли ва ҳисоб-китоб куни (Қиёмат)нинг эгасидир. Сен-гагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз! Бизни шундай тўғри йўлга бошлагинки, (У) Сен инъом (ҳидоят) этганларнинг (Пайғамбарлар, сиддиқ ва шаҳидларнинг) йўлидир, ғазабга учраган (Мусо қавмидан итоатсизларининг) ва адашган (Исо қавмининг «Аллоҳнинг фарзанди бор» дейдиган)ларнинг эмас!

Фотиҳа сурасидан сўнг бир зам (қўшимча) сура ўқилади.

Янги ўрганувчилар қуйидаги кичик суралардан бирини зам қилишса бўлади:

## КАВСАР СУРАСИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ۝ إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ 1. فَصَلِّ  
لِرَبِّكَ وَانْحَرْ 2. إِنَّ شَانِئَكَ هُوَ الْأَبْتَرُ 3.

Иннааа аътойнаакал-кавсар. Фасолли лироббика ванхар.  
Инна шааниаъка хувал-абтар.

*Мазмуни:* «(Эй Муҳаммад,) дарҳақиқат, Биз Сизга Кавсарни\* бердик. Бас, Раббингиз учун намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг! Албатта, ғанимингизнинг ўзи (барча яхшиликлардан) маҳрумдир».

### ИХЛОС СУРАСИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ۝ قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ 1. اللَّهُ  
الصَّمَدُ 2. لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ 3. وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ

Қул ҳуваллооҳу аҳад. Аллооҳус-сомад. Лам ялид. Ва лам йуулад. Ва лам якуллаҳуу куфууван аҳад.

*Мазмуни:* (Эй Муҳаммад,) айтинг: «У — Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ беҳожат, (лекин) ҳожатбарордир. У туғмаган ва туғилмаган ҳам. Шунингдек, Унга тенг бирор зот йўқ-дир».

### ФАЛАҚ СУРАСИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ۝ قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ 1.

\*Кавсар — жаннатдаги бир ажиб дарё ёки ҳовузнинг номи. Унинг суви асалдан тотли, қор ва сувдан оқ. Ундан ичган киши абадий чанқоқлик кўрмайди.

مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ 2. وَمِنْ شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ 3. وَمِنْ شَرِّ

## النَّفَاتَاتِ فِي الْعُقْدِ 4. وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ 5.

Қул аъузу бироббил-фалақ. Мин шар-ри маа холақ. Ва мин шарри ғоосикин изаа вақоб. Ва мин шаррин-наффаасаати фил-ъуқод. Ва мин шарри хаасидин изаа ҳасад.

*Маъноси:* «(Эй Муҳаммад,) айтинг: "Па-ноҳ тилаб илтижо қилурман тонг Парвар-дигориға яратган нарсаси ёвузлгидан, тугунчаға дам урувчи аёллар ёвузлигидан ҳамда ҳасадчининг ҳасади ёвузлгидан"».

### АН-НОС СУРАСИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ۝ قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ 1.  
مَلِكِ النَّاسِ 2. إِلَهِ النَّاسِ 3. مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ .  
4 الَّذِي يُوَسْوِسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ 5. مِنَ الْجِنَّةِ وَ  
النَّاسِ

**Кул аъузу бирробин-нааси мааликин-нааси илаахин-нааси мин шаррил-васваасил-хоннаас. Аллазий ювасвису фий судуурин-нааси минал-жиннати ван-наас.**

*Маъноси:* «(Эй Муҳаммад,) айтинг: "Паноҳ тилаб илтижо килурман одамлар Парварди-горига, одамлар Подшоҳига, одамлар Илоҳига яширин васвасачи (шайтон) ёвузлигиданки, (у) одамларнинг дилларига васваса солур. (Узи) жинлар ва одамлардандир"».

5. Зам сура тугагач, **«Аллооҳу акбар»**, деб руку қилинади. Эркаклар тирсаклари ва тиззаларини букмасдан, бармоқларини очган ҳолда, тиззаларини маҳкам чангаллаб эгиладилар (7-расм).



Аёллар эркакларга нисбатан озроқ эгиладилар. Тиззаларини бироз букадилар. Бармоқларини жам-лаб тиззаларини тутадилар. (8-расм).

Рукуда уч марта **«Суб-хаана роббиял-ъазийм»** (Эй буюк Роббим, Сен барча нуқсонлардан поксан),



дейилади.

8. Руку





5. Рукудан «Самиял-лооҳу лиман ҳамидах» (Аллоҳ Уни ҳамд этган-ларни эшитгувчидир), деб қад кўтарилади, бу ҳолат «қавма» дейилади. Қавма ҳолида: «Роббанаа лакал- ҳамд» (Эй Роббимиз, ҳар турли ҳамд-санолар ёлғиз Сенгадир), дейилади (9,10-расмлар).



9. Қавма

10. Қавма

6.«Аллооҳу акбар» деб аввало тиззалар, кейин қўллар, сўнг пешона ва бурун ерга теккизилиб, сажда қилинади. Сажда қилинаётганда оёқ панжалари қиблага қаратилади, эркакларнинг тирсаклари ерга тегмайди (11-расм). Аёллар тирсакларини ерга қўядилар (12-расм).



11. Сажда

12. Сажда

Саждада уч марта: «Субҳаана роббиял-аълаа» (Эй улуғ Роббим, Сен бутун нуксон-лардан поксан), дейилади.



7. «Аллооҳу акбар» деб саждадан бош кўтарилади ва тиз чўккан ҳолда бироз ўтирилади, бу ҳолат «жалса» дейилади. Жалсада қўллар, бармоқлар ўз ҳолича тугилиб, сонга қўйилади. Бармоқ учлари тизза билан тенг бўлиши лозим (13, 14-расмлар).

### 13. Жалса





Эркаклар чап оёқлари устига ўтирадилар. Ўнг оёқ панжалари қиблага қаратилади (15-расм).

Аёллар оёқларини ўнг тарафдан чиқариб ўтирадилар (16-расм).

### 15. Жалса

8. «Аллооҳу акбар», деб иккинчи марта сажда қилинади. Саждада уч марта: «Субҳаана роббиял-аълаа», дейилади (17, 18-расмлар)



## 17. Сажда



инчи ракат тугайди.

9. «Аллооҳу акбар» деб қиёмга (тикка) турилади (19, 20-расмлар).

## 19. Қиём

10. Қиёмда «Бисмиллааҳир-роҳмаанир-роҳийм»-дан бошлаб, Фотиҳа сураси, орқасидан бир зам сура ўқилади.

## 18. Сажда



## 20. Қиём





21. Руку

11. «Аллооҳу акбар», деб руку қилинади. Рукуда уч марта «Субҳаана роббиял-ъазийм», дейилади (21, 22-расмлар).



22. Руку





23. Қавма

12. «Самиъаллооҳу ли-ман ҳамидах», деб тик турилади, кетидан «Роббанаа лакал-ҳамд», дейилади (23, 24-расмлар).



24. Қавма

13. «Аллооҳу акбар», деб саждага борилади. Саждада уч марта «Субҳаана роббиял-аълаа», дейилади (25, 26-расмлар).



25. Сажда



14. «Аллооҳу акбар», деб саждадан бош кўтарилади ва бир оз ўтирилади (27, 28-расмлар).


26. Сажда




27. Жалса

28. Жалса

15. «Аллооҳу акбар», деб иккинчи бор сажда қилинади. Саждада уч марта: «Субҳаана роббиял-аълаа», дейилади (29, 30-расмлар).



29. Сажда



30. Сажда



31. Қабда

16. «Аллооҳу акбар»,  
деб саждадан бош кўтари-  
либ (31, 32-расмлар) қаъ-  
дада ўтирилади ва қуйида-  
гилар ўқилади:



32. Қабда

### «АТТАҲИЙЯТ» ДУОСИ

التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا  
النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ  
الصَّالِحِينَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ  
مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ

Ат-таҳийяату лиллаахи вас-солааваату ват-тоййибаат.  
Ас-салааму ʔалайка айюхан-набийю ва роҳматуллоохи ва  
барокаатуҳ. Ас-салааму ʔалайнаа ва ʔалаа ʔибаадил-лааҳис-  
соолиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳу ва ашҳаду  
анна Муҳаммадан ʔабдуҳуу ва росуулуҳ.

*Мазмуни:* Мол, бадан, тил билан адо этила-диган бутун  
ибодатлар Аллоҳ учундир. Эй Набий! Аллоҳнинг раҳмати ва  
баракоти Сизга бўлсин. Сизга ва солиҳ кулларга Аллоҳнинг  
саломи бўлсин. Иқрорманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Ва яна  
иқрорманки, Муҳаммад, алайҳиссалом, Аллоҳнинг кули ва  
элчисидир-лар.

### САЛОВОТ

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ  
 عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ.  
 اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ  
 عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ

Аллоохумма солли ʔалаа Мухаммадив-ва ʔалаа аали  
 Мухаммад. Камаа соллайта ʔалаа Иброохиима ва ʔалаа аали  
 Иброхиим. Иннака ʔамиидум-мажиид.

Аллоохумма баарик ʔалаа Мухаммадив-ва ʔалаа аали  
 Мухаммад. Камаа баарокта ʔалаа Иброхиима ва ʔалаа аали  
 Иброхиим. Иннака ʔамиидум-мажиид.

*Мазмуни:* Аллоҳим, Иброҳим ва унинг оиласига раҳмат  
 этганинг каби, Муҳаммад ва ул зотнинг оиласига раҳмат айла, Сен  
 ҳамду мақтовга лойиқ ва буюк Зотсан.

Аллоҳим, Иброҳим ва унинг оиласига баракотингни эҳсон  
 этганинг каби Муҳаммад ва ул зотнинг оиласи устига ҳам  
 баракотингни эҳсон айла. Сен ҳамду мақтовга лойиқ ва буюк  
 Зотсан.

## ДУО

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ  
 حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

Роббанаа аатиная фид-дунйаа ʔасанатав-ва фил-аахироти  
 ʔасанатав-ва қинаа ʔазаабан-наар.

*Мазмуни:* «Эй Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам  
 яхшиликни бергин ва бизни дўзах олови азобидан сақлагин».



17. Аввал ўнг, кейин чап елкага қараб: «**Ассалааму алайкум ва роҳматуллоох**» деб салом берилиб намоздан чиқилади (33-38-расмлар).



33. Қаъда  
35. Салом



36. Салом



37. Дуо



34. Қаъда  
38. Дуо



Шу билан бомдод намозининг икки ракат суннати тугайди.

Бомдод намозининг икки ракат фарзи ҳам худди шу тартибда ўқилади. Фарқи — аввало, эркаклар ниятдан олдин (бошқа фарз намозлари олдидан ҳам) куйидаги иқомат такбирини айтишади:

**Аллооҳу акбар, Аллооҳу акбар,  
Аллооҳу акбар, Аллооҳу акбар.  
Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоох,  
Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоох.  
Ашҳаду анна Муҳаммадар-росуулulloох,  
Ашҳаду анна Муҳаммадар-росуулulloох.  
Хайя ьалас-солаах, хайя ьалас-солаах,  
Хайя ьалал-фалаах, хайя ьалал-фалаах.**

**Қод қооматис-солаах, қод қооматис-солаах  
Аллооҳу акбар, Аллооҳу акбар,  
Лаа илааҳа иллаллоох.**

Икомат такбирининг лафзлари азонникига ўхшайди, фарқи — буниси тез айтилади.

Бомдод намозининг фарзига куйидагича ният қилинади; «Аллоҳ ризолиги учун бомдод намозининг икки ракат фарзини ўз вақтида ўқишни ният қилдим».

Қолган қисми суннат билан бир хил давом этаверади.

### **ПЕШИН НАМОЗИ**

Пешин намози тўрт ракат суннат, тўрт ракат фарз ва икки ракат суннатдан иборат. Тўрт ракат суннат куйидагича ўқилади:

1. Ният қилинади.
2. Ифтитоҳ такбири айтилади.
3. Сано дуоסי ўқилади.
4. Фотиҳа сураси. Кейин бирорта зам сура.
5. Руку.
6. Сажда.
7. «Аллооҳу акбар» деб туриб, яна Фотиҳа сураси, зам сура.
8. Руку.
9. Сажда.
10. Утириб «Аттаҳийят» ўқилади.
11. «Аллооҳу акбар» деб яна туриб, Фотиҳа сураси ва зам сура.
12. Руку.
13. Сажда.
14. «Аллооҳу акбар» деб тўртинчи ракатга турилади. Яна Фотиҳа сураси ва зам сура.
15. Руку.
16. Сажда.
17. Ўтириб, «Аттаҳийят», «Саловот», «Робба-на» дуолари

ўқилади.

18. Салом бериб намоздан чиқилади.

Пешин намозининг фарзи ҳам айни шу тартибда ўқилади. Фақатгина ният қилинаётганда «Аллоҳ розилиги учун пешин намозининг тўрт ракат фарзини ўқишга ният қилдим», дейилади. Бундан ташқари, фарзда учинчи ва тўртинчи ракатларда «Фотиҳа»дан кейин зам сура қўшилмайди.

Пешин намозининг икки ракат суннати бомдод намозининг суннати каби ўқилади.

## АСР НАМОЗИ

Аср намози тўрт ракат фарздан иборат. Бу намоз билан пешин намози фарзининг ўқилиши бир хил. Ниятда «Аср намозининг тўрт ракат фарзини...» дейилса бўлди.

## ШОМ НАМОЗИ

Шом намози уч ракат фарз ва икки ракат суннатдан иборат. Уч ракатли фарзнинг ўқилиши:

1. Ният.
2. Ифтитоҳ такбири.
3. Сано.
4. Фотиҳа, зам сура.
5. Руку.
6. Сажда.
7. Туриб, Фотиҳа, зам сура.
8. Руку.
9. Сажда.
10. Ўтириб, «Аттахийят».
11. Туриб, фақат Фотиҳа.

12. Руку.
13. Сажда.
14. Ўтириб, «Аттаҳийят», «Саловот», «Роббана» дуолари.
15. Салом.

Шом намозининг икки ракат суннати бомдод намозининг икки ракат суннати каби ўқилади.

## **ХУФТОН НАМОЗИ**

Хуфтон намози тўрт ракат фарз, икки ракат суннатдан иборат.

Хуфтон намозининг тўрт ракат фарзи пешин намозининг фарзи каби ўқилиб, фақат ниятда фарқ бўлади. Хуфтоннинг икки ракат суннати ҳам юқорида ўрганганимиз бомдод ва шом намозларининг икки ракат суннатлари каби бир хил тартибда ўқилади.

## **ВИТР НАМОЗИ**

Витр намози уч ракатли бўлиб, вожиб ибодат саналади. Фарздан куйироқ, суннатдан улуғ туради. Ўқилиши шарт. Бирор сабаб ила вақтида ўқилмай қолса, қазоси ўқилади. Витр намози хуфтон намозидан кейин ўқилади.

Қуйидаги тартибда адо этилади:

1. Ният.
2. Ифтитоҳ такбири.
3. Сано.
4. Фотиҳа, зам сура.
5. Руку.
6. Сажда.
7. Иккинчи ракатга туриб, «Фотиҳа», зам сура.
8. Руку.
9. Сажда.



10. Ўтириб, «Атгаҳийят» дуоси.
11. Учинчи ракатга туриб «Фотиҳа», зам сура.
12. Зам сурадан кейин ўша тик турган ҳолда «Аллооҳу акбар», деб кулоқ қоқилади.
13. Қўл ковуштирилиб, Кунут дуоси ўқилади.

### ҚУНУТ ДУОСИ

اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْتَعِينُكَ وَنَسْتَغْفِرُكَ وَنُؤْمِنُ بِكَ وَنَتَوَكَّلُ عَلَيْكَ  
 وَنُثْنِي عَلَيْكَ الْحَيْرَ كُلَّهُ نَشْكُرُكَ وَلَا نَكْفُرُكَ وَنَحْلَعُ وَنَتْرُكُ  
 مَنْ يَفْجُرُكَ. اللَّهُمَّ إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَلَكَ نُصَلِّي وَنَسْجُدُ وَإِلَيْكَ  
 نَسْعَى وَنَحْفِدُ نَرْجُوا رَحْمَتَكَ وَنَخْشَى عَذَابَكَ  
 إِنَّ عَذَابَكَ بِالْكَفَّارِ مُلْحِقٌ.

Аллоохумма иннаа настаъиинука ва нас-тағфирук. Ва нуъмину бика ва натаваккалу ʔалайка ва нусний ʔалайкал-хойра кулла-хуу нашкурука ва лаа накфурук. Ва нах-лаъу ва натруку май-яфжурук. Аллоохумма иййаака наъбуду ва лака нусолний ва насжуду ва илайка насъаа ва нахфиду наржуу роҳматак(а). Ва нахшаа ʔазаабака инна ʔазаабака бил-куффаари мулҳик.

*Маъноси:* Аллоҳим! Биз Сендан ёрдам истай-миз, гуноҳларимизни афу этишингни сўраймиз. Аллоҳим! Сенга имон келтирамиз, ишларимизда Сенга суюнамиз ва Сенга таваккал қиламиз. Ва Сенга ҳамд айтамиз. Бутун яхшиликлар Сендандир. Бизларга берганинг шунча неъматлар туфайли Сенга шукрона айтамиз ва онкўрлик қилмаймиз. Сенга қарши онкўрлик қилган гуноҳкорлардан айриламиз, улар билан алоқани узамиз.

Аллоҳим! Биз ёлғиз Сенгагина қуллик қиламиз, намозни Сен учунгина ўқиймиз. Сенгагина сажда қиламиз. Сенгагина интиламиз. Ибодатни хушў-камтарлик билан адо этамиз. Раҳматинг кўп бўлишини сўраймиз, азобингдан қўрқамиз. Ҳеч шубҳа йўқки, Сенинг азобинг кофирларгадир.

14. Руку.

15. Сажда.

16. Ўтириб «Аттаҳийят», «Саловот», «Роббана» дуолари.

17. Салом.

## НАМОЗДАН КЕЙИНГИ ЗИКРЛАР

Намоз салом билан тугайди. Саломдан кейинги амаллар (тасбеҳоту дуолар) мажбурий эмас, аммо ниҳоятда савоблидир.

Фарз намозларидан кейин қуйидаги дуони ўқиш суннатдир:

**Аллоохумма антас-салааму ва минкас-салаам. Табаарокта йаа зал-жалаали вал-икроом.**

*Мазмуни:* Эй Аллоҳим, Сен барча айб-нуқсонлардан поксан. Барча саломатлик ва раҳмат Сендандир. Эй азамат ва қудрат эгаси бўлган Аллоҳим, Сенинг шонинг улуғдир.

Умуман, ҳар вақт намозни тугатгандан сўнг Оятал курси ўқилса, тасбеҳот қилинса, савоби улуғ бўлади.

## ОЯТАЛ КУРСИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ لَّهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

Аъузу биллаахи минаш-шайтоонир-рожийм.  
Бисмиллаахир-рохмаанир-ро-ҳийм.

Аллооҳу лаа илааҳа иллаа ҳувал-ҳайюл-қоййуум. Лаа таъхузухуу синатув-ва лаа навуум. Лаҳуу маа фис-самааваати ва маа фил-арз. Ман заллазий яшфаъу ьиндахуу иллаа би изних. Яъламу маа байна айдиҳим ва маа холфаҳум ва лаа юҳиитууна би шай-им-мин ьилмиҳии иллаа бимаа шааъ. Васиъа курсийюҳус-самааваати вал-арз. Ва лаа яъуудухуу хифзухумаа ва ҳувал-ъалийюл-ъазийм.

*Мазмуни:* Аллоҳ — Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) ҳамиша тирик ва абадий турувчидир. Уни на мудроқ тутар ва на уйку. Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида ҳеч ким (ҳеч кимни) Унинг руҳсатисиз шафоат қилмас. (У) улар (одамлар)дан олдинги (бўлган) ва кейинги (бўла-диган) нарсани билур. (Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаганча ўзлаштирурлар. Унинг Курсийси осмонлар ва Ердан (ҳам) кенгдир. У иккисининг ҳифзи (тутиб туриши) Уни толиқтирмас. У олий ва буюқдир.

ТАСБЕҲ

Субҳааналлооҳ  
(33 марта)

**Алхамду лиллаах**

*(33 марта)*

**Аллооху акбар**

*(33 марта)*

## **КАЛИМАИ ТАВХИД**

**Лаа илааха иллаллооху вахдахуу лаа шариика лах, лахул-мулку ва лахул-хамд. Ва хува ʔалаа кулли шайʔин қодиир.**

*Мазмуни:* Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У яғонадир, шериги йўқ, бутун мулк Униқидир. Ҳамд-мақтов Унга хосдир. Ва У ҳар нарсага қодир зотдир.

## **ЖАНОЗА НАМОЗИ**

Ният: «Аллоҳ ризолиги учун жаноза намозини ўқишни ният қилдим. Ушбу имомга иқтидо қилдим».

Имом билан бирга такбир туширилгач, Сано дуоси ўқилади: **«Субҳаанакаллоохумма ва биҳамдик. Ва табаарокасмуқ. Ва таъаалаа жаддук. Ва лаа илааха ғойрук».**

Сўнг имом овоз чиқариб, «Аллооху акбар» деб такбир айтади. Бу такбирда қўллар кўтарилмайди. Қовуштирилган ҳолида «Саловот» дуоси ўқилади. Яна қўлни кўтармасдан «Аллооху акбар» деб такбир айтилади ва жаноза дуоси ўқилади.

Дуодан сўнг яна қўллар қовуштирилган ҳолда «Аллооху акбар», дейилиб, ўнг ва чап томонларга салом берилади.

## **ЖАНОЗА ДУОЛАРИ**

Ҳар бир жанозада дастлаб қуйидаги дуо ўқилади:

**Аллоохуммағфир лиҳаййинаа ва маййитинаа ва шааҳидинаа ва ғоъибинаа ва соғиййринаа ва кабиййрина ва закаринаа ва унсаанаа. Аллоохумма ман аҳййтаҳуу миннаа фа**

**аҳйиҳии ғалал-ислаам. Ва ман таваффайтаху миннаа фатаваффахуу ғалал-иймаан.**

*Маъноси:* «Эй Раббим! Тиригимизни ва ўлигимизни, бу ерда бўлганларни ва бўлмаганларни, кичикларимизни ва катталаримизни, эркак ва аёлларимизни кечиргин. Аллоҳим, биздан туғилажак янги наслларни Ислом динида дунёга келтир. Ажали етиб ҳаётдан кўз юмадиганларнинг жонларини имонли ҳолларида олгин».

Жанозаси ўқиладиган маййит балоғатга етмаган ўғил бола бўлса, мана бу дуо ўқилади:

**Аллоохуммажъалҳу ланаа фаротан важъалҳу ланаа ажрон ва зухрон важъалҳу ланаа шаафиъан мушаффаъан.**

*Мазмуни:* «Аллоҳим! Бу болани жаннатда бизни қаршилаб олувчи ва охират армуғони қил... Аллоҳим! Бу болани биз учун шафоатчи қил ва шафоатини мақбул айла».

Жаноза балоғатга етмаган қиз бола учун ўқиладиган бўлса, куйидаги дуо ўқилади:

**Аллоохуммажъалҳаа ланаа фаротан важъалҳаа ланаа ажрон ва зухрон важъалҳаа ланаа шаафиъатан мушаффаъах.**

*Маъноси:* «Аллоҳим! Шу қиз болани жаннат-да бизни қаршилаб олувчи ва охират армуғони қил... Аллоҳим! Бу қизни биз учун шафоатчи қил ва шафоатини мақбул айла».

Бу дуоларни билмаганлар «**Аллоохуммағфир лии ва лаҳуу ва лил-муъминиина вал-муъ-минаат**».

Яъни, Аллоҳим, мени ва уни, эркак ва аёл барча имон келтирганларни мағфират айла», дея дуо қилсалар ёки «Роббана...» дуосини ўқисалар ҳам бўлади.

Жаноза намозининг бошланишига улгурмаган киши жамоатга тезда қўшилиб ифтиҳо такбирини айтади ва имомга иқтидо қилади. Имом салом берганидан кейин, лекин ҳали тобут кўтарилмасдан аввал қолган такбирларни ўзи айтади.

Тушган, ўлик туғилган болага жаноза ўқилмайди. Бир исм қўйилиб ювилади ва матога ўраб, кўмилади. Тирик туғилиб ўлган бола ювилиб, жанозаси ўқилади.

## ҲАЙИТ НАМОЗИ

1. «Аллоҳ ризолиги учун Рамазон (ёки Кур-бон) ҳайити намозини ўқишни ният қилдим. Юзимни қибла тарафга қаратдим. Ушбу имомга иқтидо қилдим», деб ният қилинади.

2. Имом «Аллооҳу акбар», дея такбир айтгач жамоат ҳам қўлларини кўтариб, ичида ифтитоҳ такбирини айтади.

3. Ҳар ким ичида Сано дуосини ўқийди. Сўнгра имом кетмакет қўлларини кулоқларига кўтариб, уч марта такбир айтади. Жамоат ҳам унга эргашади. Биринчи ва иккинчи такбирда қўллар ён томонга туширилади. Учинчи такбирдан сўнг қўллар боғланиб, қиём ҳолида турилади.

4. Шундан кейин имом ичида «Аъзузу»ни ва «Бисмиллаҳ»ни айтиб, овоз чиқариб Фотиҳа сурасини ва зам сурани ўқийди.

5. Руку ва саждадан сўнг иккинчи ракатга турилади. Имом Фотиҳа сураси билан бир кичик сура ўқигач, рукуга бормаи туриб, худди биринчи ракатдаги каби уч марта такбир айтади. Тўртинчи такбирдан кейин қўллар боғланмасдан рукуга кетилади ва саждалар адо этилади. Саждадан сўнгра «Аттаҳийят» ва «Саловот» ўқиб, салом берилиб, намоз тугатилади.

## ЖУМА НАМОЗИ

Жума намози икки ракат фарз бўлиб, ундан олдин ва кейин тўрт ракат суннат ўқилади. Илк ва охири суннатлар пешин намозининг суннатлари каби ўқилади. Имомга иқтидо қилиб ўқиладиган икки ракат фарз эса, бомдод намозининг фарзи каби ўқилади.

Жума намозида икки ракат фарз ўқилмасдан олдин имом минбарда хутба қилади.

Жума намози хур, озов, муқим, саломатлиги жойида, оёқлари соғ кишига фарздир.

Жума намозининг шартлари:

1) пешин намози ўқиладиган вақтда ўқиш;

- 2) намоздан олдин хутба ўқиш;
- 3) жума ўқиладиган жой ҳаммага очиқ бўлиши;
- 4) имомдан ташқари камида уч кишидан иборат жамоат бўлиши;
- 5) имом жума намозини ўқиши учун расман рухсатли бўлиши;
- 6) жума ўқиладиган жой шаҳар ёхуд шаҳар ҳукмида бўлиши керак.

## **НАМОЗНИ БУЗАДИГАН ҲОЛЛАР**

- намоз пайтида гаплашиш;
- бирор нарса ейиш ёки ичиш;
- ўзи эшитадиган даражада кулиш (ёнидаги эшитадиган қилиб кулса, таҳорат ҳам бузилади);
- бировга салом бериш ёки саломга алик олиш;
- қибладан бошқа томонга бурилиш;
- дунёвий бирор ташвиш туфайли «уф» тортиш, «охвоҳ» дейиш ва йиғлаш (гуноҳларига тавба қилиб, Аллоҳдан кечиришликни сўраб йиғласа бўлади);
- атайлаб йўталиш;
- бир рукнда уч мартадан ортиқ бегона ҳаракат қилиш (масалан: кийимни тўғрилаш, қашиниш ва ҳоказо);
- намозда ўқиладиган оятларни маъноси бузиладиган даражада янглиш ўқиш;
- намоз ўқиладиган пайтда таҳоратнинг синиши.
- сажда холида иккала оёқни ердан кўтариш.

## **НАМОЗНИНГ САВОБИНИ КАМАЙТИРАДИГАН ҲАРАКАТЛАР**

- Бармоқларни қисирлатиш, уст-бошни ўйнаш;
- кўзни юмиш, у ёқ-бу ёққа аланглаш;
- рукуда «Субҳаана роббиял-ъазийм»ни уч мартадан кам айтиш ёки умуман айтмаслик;

- саждада «Субҳаана роббиял-аълаа»ни уч мартадан камайтиш ёки ҳеч айтмаслик;
- қибла, ўнг томон ва саждагоҳда жонли нарсалар суратининг бўлиши;
- йўл устида эгаси рози бўлмаган бир жойда намоз ўқиш;
- сажда ҳолида бир оёғини ердан кўтариш.

## **НАМОЗНИНГ ВОЖИБЛАРИ**

1. Қиёмда Фотиҳа сурасини ўқиш.
2. Фарз намозларининг аввалги икки ракати, витр ва нафл намозларининг ҳар ракатида Фотиҳадан кейин зам сура ўқиш.
3. Уч ва тўрт ракатли намозларда иккинчи ракатдан кейин ўтириш.
4. Имомнинг бомдод, ҳайит, жума намозларида, шом, хуфтон намозларининг аввалги икки ракатида Фотиҳа ва зам сурани овоз чиқариб ўқиши. Пешин ва аср намозларида эса, имомнинг ҳам, якка ўзи ўқиётган намозхоннинг ҳам овоз чиқармай ўқиши.
5. Витр намозида Қунут дуосини ўқиш.

## **НАМОЗНИНГ СУННАТЛАРИ**

1. «Аллооҳу акбар» деб намоз бошлагандан кейин Санони ўқиш.
2. Санодан кейин ичида «Аъзуз биллаҳ» ва «Бисмиллаҳ»ни айтиш.
3. Фотиҳани ўқигандан кейин махфий тарзда «Амийн» дейиш.
4. Имом рукудан кейин «Самиъаллооҳу лиман ҳамидах» деб турганида «Роббанаа лакал-ҳамд» дейиш. Намозни ёлғиз ўқиганлар учун эса, иккаласини ҳам айтиш.
5. Фарзларнинг биридан иккинчисига ўтаётганда «Аллооҳу акбар» дейиш.
6. Намозда бошни жуда эгиб ҳам, жуда тикка ҳам тутмаслик,



ўртамиёна ушлаш.

7. Рукуда қўл бармоқлари орасини очиб икки тиззани мақкам чангаллаш, камида уч марта «Субҳаана роббиял-ъазийим» дейиш. Аёллар бармоқларини тизза устида, жипс ҳолда тути-шади, тиззаларини бир оз букишади.

8. Саждада пешонани қўллар орасига олиш, қўл бармоқларини жипс тутиш. Бунда бош бармоқ қош тўғрисида қўйилади.

9. Саждада эркаклар оёқлари, қўллари, бурни ва пешонаси ерга тегиб туриши, боши икки қўли орасида бўлиши, билакларини ерга ҳам, қобирғасига ҳам теккизмасдан тутиши ҳамда оёқларининг бармоқларини қиблага қаратиб туриши. Аёллар эса, қўлларини ёнларига жипс этган ҳолда ерга теккизиб, сажда қиладилар.

10. Эркаклар ўтирганда чап оёғи устига ўтириб, ўнг оёғи қадамини тик тутиб, бармоқларини қиблага қаратиб ўтириши, аёлларнинг эса икки оёқларини ўнг томонга қаратиб, чап қўймичига ўтириши.

11. Тик турганда икки оёқ орасини тўрт бармоқ кенглигида очиқ ушлаш. Аёллар оёқларини жипс тутишади.

12. «Ташаҳхуд» (Аттаҳият), «Саловот», «Роббана» дуоларини ўқиш.

13. Аввал ўнг, кейин чап томонга салом бериш.

## НАМОЗНИНГ МУСТАҲАБЛАРИ

1. Кўча-кўйда ёки далаларда, умуман очиқ жойларда намоз ўқимокчи бўлса, олдидан бирор ҳайвон ёки инсон ўтмаслиги учун бир тўсиқ — сутра қўйиш.

2. Намоз бошлаётганда «Аллооҳу акбар» деб бош бармоқларини қулоқ юмшоғига, кафтини эса қиблага қаратиш. Аёллар эса, қўлларини кўкрак баробарида кўтариб, сийналари устига қўядилар.

3. Муаззин такбирда «Хайя ғалас-солаах» дейиши билан ўрнидан туриш, «Қод-кооматис-солаах» деганида, «Аллооҳу акбар» деб намозни бошлаш.

4. Қиёмда сажда қиладиган ерга, рукуда оёқ устларига, саждада бурнининг юмшоғига, қаъдада кўкраклари ўртасига, саломда эса елкасига қараш.

5. Саждага боришда аввал тиззаларини, кейин қўлларини ерга қўйиш.

6. Намозда эсноқ келса, оғизни очмаслик. Агар бунга кучи етмаса, чап қўлининг орқаси ёки ўнг қўл кафти билан оғизни ёпиш.

## **МУСОФИР НАМОЗИ**

Бизнинг динимиз қулайлик, инсонларга марҳамат динидир. Чунончи, у мусофирларга ҳам анча енгилликларни муҳайё қилиб қўйган. Яшаб турган жойидан ўртача юришда камида 18 соатлик (90 чақирим) масофага ўн беш кундан оз муддатни ният қилиб йўлга чиққан киши қишлоғи ёки шаҳрининг охирги уйлари кўринмай қолган дақиқадан бошлаб мусофир ҳисобланади. Ўн беш кунга ё бундан кўпга ният қилиб чиқилса, йўлдагина мусофир саналади, бораётган манзилининг дастлабки уйлари кўрингандан бошлаб эса, муқим ҳукмига ўтади ва намозларини тўлиқ ўқийди.

Мусофир одам тўрт ракатлик фарз намозларини икки ракатга қискартириб (бомдод намозининг фарзи каби) ўқийди. Бироқ шом намозининг уч ракат фарзи ва уч ракатлик витр намозларини тўлиқ адо этади. Агар мусофир киши муқим кишига эргашиб намоз ўқиса, тўрт ракатлик фарзларни ҳам тўлиқ ўқийди. Муқим киши мусофир кишига иқтидо қилиб намоз ўқиётган бўлса, унда имом икки ракатдан сўнг салом бергач, эргашувчи салом бермайди, ичида «Аллооҳу акбар» деб қиёмга турадида, қолган икки ракатни мустақил ўзи ўқиб тугатади.

## **ИМОМГА ЭРГАШИШ**

Суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом бир ҳадиси

шарифларида жамоат билан ўқилган намознинг савоби ёлғиз ўқилган намознинг савобидан йигирма етти марта ортиқ эканини марҳамат қилганлар.

Беш вақт намознинг фақат фарзлари, жума намозининг икки ракат фарзи, ҳайит намозлари, рамазон ойида таровеҳ ва витр намозлари имомга иқтидо қилиб ўқилади. Имомга эргашиб жамоат билан намоз ўқийдиган киши «муқтадий» дейилади.

Муқтадий қуйидагиларга амал қилиши керак:

1. Аввало, ҳам ўқилаётган намозга, ҳам имомга эргашишга ният қилмоғи лозим. Масалан, «Аллоҳ розилиги учун бугунги бомдод намозининг икки ракат фарзини ушбу имомга эргашиб ўқишни ният қилдим».

2. Имом ифтиток такбирини айтгач, муқтадий ҳам ундан кейин дарҳол такбир айтиб, қўлларини боғлайди ва ичида фақат Сано (Субҳанака) дуосини ўқийди. Имомга эргашиб намоз ўқиётган киши тикка турганида (қиёмда) Фотиҳа ва зам сураларни ўқимади. Овоз чиқариб ўқиладиган бомдод, шом, хуфтон намозларининг фарзида, жума намозининг фарзида, ҳайит намозларида, рамазон ойида таровеҳ ва витр намозларида имом Фотиҳа сурасини тугатгач, муқтадий ичида «Амийн» дейди.

3. Рукуда уч марта «Субҳаана роббиял-ъазийм», дейди. Имом «Самиъаллооҳу лиман ҳамидах», деб тик тургач, «Роббанаа лакал-ҳамд», дейди. Саждаларда ҳам муқтадий уч мартадан «Субҳаана роббиял-аълаа»ни айтади.

4. Ўтиришларда муқтадий ичида «Аттаҳийят», «Саловот», «Роббана» дуоларини ўқийди ва имом билан бирга салом беради.

Имомга иқтидо қилиб жамоат билан бирга намоз ўқиётган киши барча амалларда имомдан кейин ҳаракат қилади, ундан олдинга ўтиб кетмайди.

Жамоатга кечикиб келиб қўшилган киши такбир айтиб, имомга эргашади. Охирги ўтиришда «Аттаҳийят»ни ўқиб, имомнинг салом беришини кутади. Имом икки томонга салом берар-бермас, салом бермай «Аллооҳу акбар» деб тикка туради ва кечиккан ракатларни ўзи ўқиб намозни тугатади.

Бирор ракатнинг рукусига улгурган, яъни имом ҳануз рукудан бош кўтармасидан илга-рироқ ният қилиб, жамоатга қўшилган киши ўша ракатни ўқиган ҳисобланади.

## ҚАЗО НАМОЗЛАРИ

Мўмин-мусулмонлар намозларини доимо вақтида ўқишга ҳаракат қилишлари лозим. Лекин бирор сабаб билан ўқилмай қолса, у намознинг қазоси ўқилиши керак. Фарз намозлар ва витр намози қолдирилса, қазо қилиб ўқилади.

Қазо намози ва умуман ҳар қандай намоз ўқиш макруҳ ҳисобланган уч вақт борки, булар кун чиқиш, кун ботиш ва кун тиккага келган (қиём) пайтларидир.

Намозни ўтказиб юбориш катта гуноҳдир. Бинобарин, қазо намози ўқилгач, Аллоҳ таолодан мағфират тилаш ва ҳар намозни ўз вақтида, қазо қилмай ўқишни насиб этишини сўраб дуо қилиш керак.

## САЖДАИ САҲВ

Намознинг фарз ё вожибларидан бири вақтидан кечиктириб бажарилса ёки вожиб амали унутилиб, бажарилмаса, қаъдаи охирада (охирги ўтиришда) фақат «Аттаҳийят» ўқилиб, ўнг томонга салом беради ва «Аллооҳу акбар», деб икки марта сажда қилади ва яна ўтирган ҳолда «Аттаҳийят», «Саловот», «Роббана» дуоларини ўқиб, ўнг ва чап томонга салом бериб намозни тугаллайди. Бу икки сажда «саждаи саҳв» (хатони ўнглайдиган сажда) дейилади.

## ДУО

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 186-оятда шундай марҳамат қилади: **«Бандаларим Сиздан (эй Мухаммад) Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган**

**пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан. Бас, ҳақ йўлига юришлари учун (улар ҳам) менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва менга имон келтирсинлар».**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом дуо ҳам ибодат эканини марҳамат қиладилар. Бино-барин, намоз сўнгида Пайғамбаримиз томонларидан тавсия қилинган ушбу дуоларни ўқиш мақсадга мувофиқдир:

\*Эй Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах олови азобидан саклагин.

\*Илоҳо, мен Сендан ҳидоят, тақво, иффат ва ғино (бировга муқтож бўлмаслик ҳолатини) сўрайман.

\*Аллоҳим, мени афу эт, ёрлақа, тўғри йўлдан бошла, менга офият бер, ҳалолдан ризқлантир.

\*Қалбларимизни ризолигингга уйғун бўлган амал ва ибодатга томон йўналтир.

\*Парвардигоро, дош бериб бўлмайдиган балодан, инсонни ўлимга қадар судраб борувчи (мол, жон, оилага тааллуқли) мушкулотга дуч келишдан, (мол, жон, оилага тааллуқли) балоказодан ва душманларни қувонтирадиган бир мусибатга рўбарў бўлишдан Сенинг паноҳингга сиғинаман.

\*Илоҳо, ожиз қолишдан, дангасалиқдан, қўрқоқликдан, алжиратиб қўювчи қариликдан, хасталиқдан, қабр азобидан, ҳаёт ва мамот фитнасидан Сенинг паноҳингга сиғинаман.

\*Ё Роббим! Мен ўз нафсимга кўп зулм қилдим. Сендан ўзга гуноҳларни кечиргувчи йўқ. Мени ёрлақа ва афу эт. Ғофур, Роҳийм ёлғиз Сенсан.

\* Илоҳо, фойдаси тегмайдиган илмдан, кўркмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан, қабул бўлмайдиган дуолардан паноҳ бер.

\* Аллоҳим! Дўзах ўтида ёнишимга сабаб бўладиган фитнадан, дўзах оловидан, бойлик ва фақирликнинг ёмонлигидан мени асрагин.

\* Аллоҳим! Ёмон феъл-атвор ва амаллардан, нафсоний орзулардан асрагин.

\* Аллоҳим! Қулоғимнинг, кўзимнинг, тилимнинг, қалбимнинг, фаржимнинг ёмонлигидан асрагин.

## ҚУРЪОНИ КАРИМДАН БАЪЗИ ДУОЛАР

**Одам алайҳиссалом ва момо Ҳавво жаннатдан чиқарилганларида ушбу дуони ўқиганлар:**

«Эй Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз» (*Аъроф, 23*).

**Нух алайҳиссаломнинг дуолари:**

«Раббим! Мен Сендан ўзим (яхши) билмаган нарсани сўрашимдан паноҳ тилайман. Агар мени кечирмасанг ва раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрувчилардан бўлурман» (*Худ, 47*).

**Лут алайҳиссаломнинг дуолари:**

«Эй Раббим, бу бузғунчилар қавми устидан Узинг мени ғолиб қил!» (*Анкабут, 30*).

**Иброҳим алайҳиссаломнинг дуолари:**

«Парвардигорим, мени ва зурриётларимни намозни тўқис адо етгувчи қилгил. Парвар-дигоро, дуоимни қабул айла. Парвардигоро, ҳисоб-китоб (қиёмат) куни мени, ота-онамни ва барча мўъминларни мағфират қилгил» (*Иброҳим, 40-41*).

**Юсуф алайҳиссаломнинг дуолари:**

«Эй осмонлар ва ерни ижод этган Зот! Дунё-ю охиратда Узинг эгамдирсан. (Ажалим етганида) мусулмон холимда жонимни олгин ва мени солихлар (қатори)га кўшгин» (*Юсуф, 101*).

**Шуайб алайҳиссаломнинг дуолари:**

«Аллоҳгагина таваккул қилдик. Эй Раббимиз! Биз билан қавмимиз ўртасида ҳақиқий ажримлик ато эт! Сен ажрим қилувчиларнинг яхши-сидирсан» (*Аъроф, 89*).

**Мусо алайҳиссаломнинг дуолари:**

«Эй Раббим, бағримни кенг қилгин, ишимни осон қилгин, тилим (дан дудуқлик)ни ечиб юборгин, (токи) улар (қавмим) гапимни англасинлар» (*Тоҳа, 25*).

«Парвардигорим, Узинг мен учун нима яхшилик, (яъни, ризқ) туширсанг, ўшанга мухтождирман» (*Қасос, 21*).

**Юнус алайҳиссаломнинг дуолари:**

«Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нук-сонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим» (*Анбиё, 87*).

**Закариё алайҳиссаломнинг дуолари:**

«Эй Раббим, мени ёлғиз ташлаб қўйма (меросхўр фарзанд ато эт), Сен (Ўзинг) ворисларнинг яхшироғидирсан» (*Анбиё, 89*).

«Раббим, менга ҳам ўз ҳузурингдан пок зурриёт ато эт! Дарҳақиқат, Сен дуони эши-тгувчидирсан» (*Оли Имрон 38*).

**Аҳли илмнинг дуоси:**

«Парвардигоро, бизни ҳидоят қилганингдан кейин, энди дилларимизни ҳақ йўлдан оғдирма ва бизга Уз ҳузурингдан раҳмат ато эт!» Амийн.

## **Қуръони каримда Муҳаммад алайҳиссаломга ўргатилган баъзи дуолар:**

«Эй Раббим, мени (қабрга) содиқлик билан (гуноҳларим кечирилган ҳолимда) киритгин ва (тирилтирганингда ҳам) содиқлик (розилигинг) билан чиқаргин ҳамда мен учун ўз даргоҳингдан бир мадад берувчи хужжат ато қилгин» (*Ал-Исро, 80*).

«Эй Раббим, менга (кофирларга) ваъда қилинаётган нарса (азоб)ни кўрсатсангчи?! Эй Раббим! (Ўшанда) мени у золимлар қавми ичида қилмагин! Эй Раббим! Мен Сендан шайтонларнинг васвасаларидан паноҳ бери-шингни сўрайман. Яна мен Сендан, эй Раббим, улар менинг ҳузуримга келишларидан паноҳ сўрайман. Эй Раббим! (Гуноҳларимизни) мағфират эт ва (ҳолимизга) раҳм айла! Сен (ўзинг) раҳм қилувчиларнинг яхшисидирсан!» (*Мўъми-нун, 93, 94, 97, 98, 118*).

«Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин» (*Тоҳа, 114*).

«Парвардигоро, бизлар Сенга имон келтирганмиз, бас,

гуноҳларимизни мағфират айла ва бизни жаҳаннам азобидан асра!» (Оли Имрон, 16).

## ҚУРЪОНИ КАРИМДАН ОЯТЛАР

*Бақара сурасидан*

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ  
اٰمَنَ الرَّسُوْلُ بِمَا اُنزِلَ اِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُوْنَ كُلُّ اٰمِيْنَ  
بِاللّٰهِ وَمَلٰئِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ اَحَدٍ مِّنْ رُّسُلِهِ  
وَقَالُوا سَمِعْنَا وَاَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَاِلَيْكَ الْمَصِيْرُ. 285 لَا  
يُكَفِّرُ اللّٰهُ نَفْسًا اِلَّا وُسْرَعَهَا لَهَا مَيَّا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَيَّا  
اَكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا اِنْ نَسِينَا اَوْ اَخْطَاْنَا رَبَّنَا وَلَا  
تَحْمِلْ عَلَيْنَا اِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلٰى الَّذِيْنَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا  
وَلَا تُحْمَلْنَا مَيَّا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهٖ وَاَعْفُ عَنَّا وَاغْفِرْ لَنَا  
وَارْحَمْنَا اَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلٰى الْقَوْمِ الْكَافِرِيْنَ. 286

**Бисмиллаахир-роҳмаанир-роҳийм.**

Ааманар-росуулу бимаа унзила илайҳи мир-роббиҳи вал-муъминуун. Куллун аамана биллааҳи ва малаа-икатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳ. Лаа нуфаррику байна аҳадим-мир-русулиҳ. Ва қоолуу самиънаа ва атоънаа, ғуфроонака, роббанаа ва илайкал-масийир. Лаа юкаллифуллооҳу нафсан иллаа вусъаҳаа. Лаҳаа маа касабат ва ʼалайҳаа мактасабат. Роббанаа лаа туааҳизнаа Инна-сийнаа ав ахтоънаа, Роббанаа ва лаа таҳмил ʼалайнаа исрон камаа ҳамалтаҳуу ʼалаллазийна мин қоблинаа, Роббанаа валаа туҳаммилнаа маа лаа тооқоталанаа бих. Ваъфу ʼаннаа, вағфир ланаа,



вархам-наа. Анта мавлаанаа фансурнаа ʒалал-қовмил-каафирийн.

Ҳашр сурасидан

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
لَوْ أَنْزَلْنَا هَذَا الْقُرْآنَ عَلَىٰ جَبَلٍ لَّرَأَيْتَهُ خَاشِعًا مُّتَصَدِّعًا  
مِّنْ خَشْيَةِ اللَّهِ وَتِلْكَ الْأَمْثَالُ نَضْرِبُهَا لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ  
يَتَفَكَّرُونَ. 21. هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَالِمُ الْغَيْبِ  
وَالشَّهَادَةِ هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ. 22. هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا  
هُوَ الْمَلِكُ الْقُدُّوسُ السَّلَامُ الْمُؤْمِنُ الْمُهَيْمِنُ الْعَزِيزُ  
الْجَبَّارُ الْمُتَكَبِّرُ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا يُشْرِكُونَ. 23. هُوَ اللَّهُ  
الْخَالِقُ الْبَارِئُ الْمُصَوِّرُ لَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ يُسَبِّحُ لَهُ مَا  
فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ. 24.

Бисмиллаҳир-роҳмаанир-роҳийм.

Лав анзалнаа хаазал-Қуръаана ʒалаа жабалил-ларойтаҳуу хоошиъам-мутасодди-ъам-мин хошятиллаҳ. Ва тилкал-амсаалу надрибуҳаа лин-нааси лаъаллаҳум ятафак-каруун. Ҳуваллоҳуллазин лаа илааҳа иллаа ҳуу, ʒаалимул-ғойби вaш-шаҳаадати ҳувар-роҳмаанур-роҳийм. Ҳуваллооҳуллазий лаа илааҳа иллаа ҳувал-маликул-қуддуусул-салаамул-муъминул-муҳайминул-ʒазиизул-жаббаарул-мутакаббир. Субҳааналлооҳи ʒаммаа юшрикуун. Ҳуваллооҳул-хооликул-баариул-мусоввиру лаҳул-асмааа-ул-хуснаа, юсаббиху лаҳуу маа фис-самааваати вал-арзи ва ҳувал-ʒазиизул-ҳакийм.

«Бақара» ва «Ҳашр» сураларининг бу сўнги оятларини намоздан сўнг тиловат қилинса, савоби улуг бўлиши ҳадиси шарифларда марҳамат қилинган.

## ОЛТИ ДИНИЙ КАЛИМА

### *1. Калимаи тоййиба*

**Лаа илааха иллаллооҳу Муҳаммадур-росуу-луллооҳ.**

Тўғри сўз: *Аллоҳдан ўзга сизиниладиган (илоҳ) йўқдир! Муҳаммад Аллоҳнинг расулидир!*

### *2. Калимаи шаҳодат*

**Ашҳаду аллаа илааха иллаллооҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳуу ва росуулуҳ.**

Иқрорлик сўзи: *Аллоҳдан ўзга сизиниладиган (илоҳ)нинг йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг банда-си ва расули эканига иқрорман.*

### *3. Калимаи тавҳид*

**Ашҳаду аллаа илааха иллаллооҳу ваҳдаҳуу лаа шарика лаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду юҳйи ва юмиту ва ҳува ҳайюл лаа ямуту, бияди-ҳил-хойру ва ҳува ʼалаа кулли шайъин қодиир.**

Танҳолигига иқрорлик сўзи: *Танҳо Аллоҳдан ўзга сизиниладиган (илоҳ) йўқлигига иқрорман! Аллоҳнинг шериги йўқдир. Мулк Аллоҳникидир. Мақтов Аллоҳгадир. (Аллоҳ) тирилтиради ва ўлдиради. Аммо Ўзи тирикдир, ўлмайди. Яхшилик Унинг ихтиёридадир ва У ҳамма нарсага қодирдир!*

### *4. Калимаи раддил-куфр*

**Аллооҳумма инни аъузу бика мин ан ушрика бика шайъан ва ана аълам. Ва астағфирука лимаа лаа аълам. Иннака анта ʼаллаамул-ғуёуб.**

Куфрни қайтариш сўзи: *Аллоҳим, Сендан ўзим билганим ҳолда*

*Сенга бирор нарсани шерик қилишимдан асрашингни сўрайман. Сендан ўзим билмаганим ҳолда ширк қилиб қўйган бўлсам, кечишингни тилайман. Албатта, Сен гайбларни билгувчи Зотсан.*

### **5. Калимаи истиғфор**

**Астағфируллоох, астағфируллоох, астағфируллооҳа таъаалаа мин кулли занбин азнабтуҳуу ʼамдан ав хотоан сиррон ва ʼалаанияҳ. Ва атуубу илайҳи мираз-замбиллазии аъламу ва мираз-замбиллазии лаа аълам. Иннака анта ʼаллаамул-ғујууб.**

*Ғуноҳларни кечишини сўраш сўзи: Аллоҳдан ғуноҳларимни кечишини сўрайман. Аллоҳдан ғуноҳларимни кечишини сўрайман. Аллоҳ таолодан атайлаб ё адашиб, яширин ё ошкора қилган ҳамма ғуноҳларимни кечишини сўрайман. Ўзим билган ва билмаган ғуноҳлардан Аллоҳга қайтаман. Албатта, Сен гайб-ларни билгувчи Зотсан.*

### **6. Калимаи тамжид**

**Субҳааналлооҳи вал-ҳамду лиллааҳи ва лаа илааҳа иллаллооҳу валлооҳу акбар. Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳил-ʼалийийил-ʼазийим. Маа шаа Аллооҳу каана ва маа лам яшаъ лам яқун.**

*Улуғлаш сўзи: Аллоҳнинг айбу нуқсони йўқдир. Ва мақтов Аллоҳгадир. Аллоҳдан ўзга сизиниладиган (илоҳ) йўқдир! Аллоҳ улугдир. Мутлақ куч ва қувват қудратли ва буюк Аллоҳдан ўзгада йўқдир. Аллоҳ ниманики хоҳласа, бўлади, ниманики хоҳламаса, бўлмайди.*



## МУНДАРИЖА

Ислом ва имон шартлари.....	3
Имон калималари.....	4
Таҳорат, Таҳорат олиш тартиби.....	7
Таҳоратни бузадиган ҳоллар, Ғусл.....	8
Таяммум.....	9
Аёлларга хос ҳолатлар.....	10
Намоз ҳақида оят ва ҳадислар.....	12
Ҳадислардан намуналар.....	14
Азон.....	15
Азон дуоси.....	15
Намоз ўқиш тартиби.....	15
Бомдод намази.....	17
Сано дуоси.....	18
Фотиҳа сураси.....	19
Кавсар, Ихлос, Фалақ сураси.....	20
Ан-нос сураси.....	26
“Аттахийат” дуоси, Салават.....	27
Дуо.....	29
Пешин намози.....	30
Аср, Шом, Хуфтон намози.....	31
Витр намози.....	32
Қунут дуоси.....	33
Намоздан кейинги зикрлар, Оятал Курси.....	34
Тасбеҳ, Калимаи тавҳид.....	35
Жаноза намози, Жаноза дуолари.....	36
Ҳайит намози.....	37
Жума намози, Намозни бузадиган ҳоллар.....	38
Намоз савобини камайтирадиган ҳаракатлар.....	38
Намознинг вожиблари.....	39
Намознинг суннатлари.....	40
Намознинг мустаҳаблари.....	41
Мусофир намози.....	41

